

## Халқаро ҳамкорлик алоқаларни ривожлантириш истиқболлари

Республикамиз раҳбарининг яқин қўшнилари билан эркин дўстона алоқаларга очиб берган имкониятлар туфайли, уларнинг бевосита ташаббуслари билан ТИҚХММИ ва Россия Федерациясининг дунёнинг кучли 1000 олий ўқув юртлари рўйхатида 368 ўриндаги улуғ Петр номидаги Санкт-Петербург политехника Университети (СПбПУ) ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик доирасида Улкан бинолар ва иншоотлар қурилиши Олий Мактаби профессори Г.И.Сидоренко «Сув энергияси ва насос станцияларидан фойдаланиш» кафедраси ўқув режасига асосан ГТҚ факультети талабалари учун биринчи босқич циклик маърузаларини тугатди.

Маърузалар тугагандан сўнг ТИҚХММИ ўқув ишлари бўйича проректори профессор Б.С.Мирзаев кафедра профессори Г.И.Сидоренкога ҳамкорлик учун институт раҳбарияти номидан ташаккур билдириб, институт ректори профессор Ў.П.Умурзоқов томонидан тасдиқланган сертификат топширди.

Ўқув ишлари бўйича проректор Б.С.Мирзаев кафедра профессори Г.И.Сидоренко билан ҳамкорликнинг истиқболдаги режалари хусусида суҳбат давомида СЭ ва НСФ кафедрасида фаолияти давомида кафедра профессорлари билан ҳамкорликда тайёрланиши режалаштирилган дарсликлар, ўтказиладиган илмий тадқиқотлар, ёзиладиган халқаро мақолалар учун самимий миннатдорчилик билдирди.

Бундан ташқари, профессор Г.И.Сидоренко унга юклатилган хизмат сафари доирасида ТИҚХММИ ўқув ишлари бўйича проректори билан 2020 йил 24-27 апрелга режалаштирилган ҳар иккала ҳамкор Олий ўқув юртлари таъсисчилигида ТИҚХММИ базасида ўтказиладиган :International Scientific Conference «Construction Mechanics, Hydraulics and Water Resources Engineering (CONMECHYDRO-2020)»-«Строительство, гидротехника, водные ресурсы" (CONMECHYDRO-2020)» «Бунёдкорлик, гидротехника, сув ресурслари халқаро илмий конференцияси (CONMECHYDRO-2020)»- халқаро SCOPUS рейтинг базасида рўйхатдан ўтган Халқаро Илмий конференция ўтказилиши бўйича "Йўл харитаси", ташкилий қўмидада СПбПУ томони вакиллари ва конференция секциялари йўналишлари бўйича музокаралар олиб борди ва улар якунларига асосан халқаро илмий конференциянинг ўтказилиши бўйича ТИҚХММИ ректори, профессор Ў.П.Умурзаков ўзининг 1140а/ф сонли 06.12.2019 й. буйруғини имзолади.



“ГТҚ” факультети Ёшлар билан ишлаш бўйича декан ўринбосари А.И.Азимов ахбороти  
Институт Матбуот хизмати раҳбари Р.Жуманиёзов